

«ТАСДИҚЛАНГАН»
Иштирокчилар умумий йигилиши
томонидан «__» август 2016й.
1 - сонли Баённомаси

«_____»

масъулияти чекланган жамиятининг

УСТАВИ

_____ ш. - 2016 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «_____» масъулияти чекланган жамияти (кейинги уринда «Жамият» деб юритилади) даромад олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ташкил қилинмоқда.

1.3. «Жамият» ўз фаолиятини УзРнинг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар туғрисида»ги ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилиги асосида амалга оширади.

1.4. «Жамият» масъулияти чекланган жамияти сифатида фаолият юритади.

1.5. «Жамият» иштирокчилари:

Биринчи томонидан:

_____, _____ вилоят _____ шаҳар _____ кўчаси ____ уйда истиқомат қилувчи (паспорт _____, _____ вилоят _____ шаҳар ИИБ томонидан _____ йил _____ берилган),..... туғилган.

Иккинчи томонидан:

_____, _____ вилоят _____ шаҳар _____ кўчаси ____ уйда истиқомат қилувчи (паспорт _____, _____ вилоят _____ шаҳар ИИБ томонидан _____ йил _____ берилган),..... туғилган.

1.6. «Жамият» қонунда белгиланган тартибда давлат руйхатидан утади ва юридик шахс мақомини олиб, узининг думалок муҳри, штамп, фирманинг хос коғози ва бошқа реквизитларига эга бўлади.

1.7. «Жамият» ўз иштирокчиларининг мажбурияти бўйича жавобгар бўлмайди. Иштирокчилар «Жамият» мажбуриятлари бўйича ўзлари киритган улушлари қиймати миқдорида жавобгар бўлишади. «Жамият» уз мажбуриятлари бўйича ўзининг мулки доирасида жавоб беради.

1.8. «Жамият» жойлашган жойи ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, _____ шаҳар, _____ кўчаси.

1.9. «Жамият» номуайян муддатга тузилган.

1.10. «Жамият»нинг фирмали номи:

- Ўзбекистон Республикасининг _____ давлат _____ тилида _____ тулик _____ номи - «_____» масъулияти чекланган жамияти, кискача – «_____» МСҶ;
- рус тилида тулик номи - **Общество с ограниченной ответственностью** «_____», кискача – **ООО** «_____».

II. «ЖАМИЯТ» ФАОЛИЯТИНИНГ ТУРЛАРИ.

2.1. «Жамият»нинг асосий предмети булиб қуйидаги фаолият турлари ҳисобланади:

- _____.

«Жамият»Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай фаолият турлари билан шугулланиши мумкин.

2.2. Руйхати қонунларда белгиланган айрим фаолият турлари билан жамият фақат махсус рұхсатнома (лицензия) мавжуд бўлгандагина шугулланиши мумкин.

III. «ЖАМИЯТ»НИНГ УСТАВ ФОНДИ.

3.1. «Жамият»нинг устав фонди 46.008.774,83 (қирқ олти миллион саккиз минг етти юз етмиш тўрт сум саксон уч тийин) сум миқдорида белгиланган булиб, иштирокчилар улушига қараб қуйидаги миқдорда тақсимланган:

- _____ :
99% - 41.407.897,35 сум;
- _____ :

1% - 4.600.877,48 сум.

3.2. «Жамият» иштирокчилари устав фондига пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулккий ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) кўшиладиган ҳиссалар киритилиши мумкин.

Иштирокчилар улушлари тўлиқ шакиллантирилган.

IV. «ЖАМИЯТ» ИШТИРОКЧИСИНИНГ ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИДАГИ УЛУШИ (УЛУШИНИНГ БИР ҚИСМИ)НИ БОШҚА ШАХСЛАРГА ЎТИШИ ХАМДА «ЖАМИЯТ» ИШТИРОКЧИСИНИНГ «ЖАМИЯТ»ДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ.

4.1. «Жамият» иштирокчиси «Жамият»нинг устав фондига (устав капиталидаги) ўз улушини ёхуд унинг бир қисмини «Жамият»нинг бир ёки бир неча иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга ҳақлидир. Бундай битимни тузиш учун, «Жамият»нинг ёки «Жамият» бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

4.2. Иштирокчи ўз улушларини (улушнинг бир қисми) бир ёки бир неча учинчи шахсларга сотишга ёки ўзгача тарзда улар фойдасига воз кечиши мумкин. Бундай битимни тузиш учун, «Жамият»нинг ёки «Жамият» бошқа иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди. Ушбу ҳолатда «Жамият» иштирокчилари имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланишади.

4.3. Ўз улушини (улушнинг бир қисмини) учинчи шахсга сотиш истагини билдирган «Жамият» иштирокчиси, «Жамият»нинг бошқа иштирокчиларига («Жамият» орқали) ва «Жамият»нинг ўзига ҳам, унинг нарҳини ва сотишнинг бошқа шартларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

4.4. Улушларни бошқа шахсга ўтказишни, чиқмоқчи бўлаётган иштирокчи ўз улушини тўлиқ киритгандан кейингина амалга ошириш мумкин. «Жамият» иштирокчисининг улуши учинчи шахсга ўтиши билан, унга бир вақтнинг ўзида чиқиб кетаётган иштирокчига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўтади.

4.5. «Жамият»дан чиқиб кетиш истагини билдирган «Жамият» иштирокчиси, шу ҳақида ариза билан «Жамият»га мурожаат қилади ва «Жамият» иштирокчилари таркибидан чиқарилади.

4.6. «Жамият»дан чиқарилган ёки ундан чиқиб кетган «Жамият» иштирокчисининг улуши «Жамият»га ўтади. Бунда «Жамият» «Жамият»дан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчига улушининг чиқарилиш ёки чиқиб кетиш санасидан олдинги охириги ҳисобот даври учун «Жамият»нинг бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари бўйича аниқланадиган ҳақиқий қийматини тўлаши ёки «Жамият»дан чиқарилган ёки чиқиб кетган иштирокчисининг розилиги билан унга худди шундай қийматдаги мол-мулкни асли ҳолида бериши шарт.

V. «ЖАМИЯТ»НИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

5.1. Барча мулкчилик шаклидаги субъектлар билан ҳамкорликда устав фаолиятининг масалаларини хал қилади.

5.2. Ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар ва ташкилотларни тузади ёки уларни тузишда иштирок этади.

5.3. Устав фаолиятини амалга ошириш учун меҳнат келишувлари, фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар ва контрактлар асосида мутахассисларни жалб қилади.

5.4. «Жамият»нинг мазкур устав билан белгиланмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларига асосан тартибга солинади.

VI. «ЖАМИЯТ» ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. Иштирокчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Жамият»нинг умумий мажлисида иштирок этиш;
- «Жамият» фаолиятдан олинган даромаднинг бир қисмини ҳам пул кўринишида, ҳам натура шаклида олиш;
- «Жамият» иштирокчилари реестрига киритилиш;
- «Жамият» фаолияти тўғрисида маълумот олиш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар билан амалдаги қонунчилик ёки таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда танишиш;
- «Жамият» томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар)ни имтиёзли сотиб олиш;
- амалдаги қонунчилик ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда «Жамият»ни бошқаришда иштирок этиш;
- «Жамият» тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилгандан сўнг қолган мулкнинг маълум қисмига еки унинг кийматига ўз улушига мувофиқ эга бўлиш;
- истаган пайтда бошқа иштирокчилар розилигидан катъий назар «Жамият» таркибидан қонунчиликда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда чиқиш;
- даромадни йўқотиш ёки зарар келтирилиши хавфи туғилган тақдирда суғўрта қилиш;
- ўзининг «Жамият»даги улушини тўлиқ ёки бир қисмини бир ёки бир неча иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга қонунчиликда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сотиш ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечиш.

6.2. «Жамият»даги улуш иштирокчига ёки унинг эгасига бериладиган ҳуқуқлар ҳажмини белгилайди.

6.3. «Жамият» иштирокчиси ўзига тегишли бўлган «Жамият» устав фондида мавжуд бўлган улушини (улушнинг бир қисмини) «Жамият»нинг барча иштирокчиларининг розилиги билан учинчи шахсларга гаровга қўйиши мумкин.

6.4. Жами улушлари жамият устав фондининг (устав капиталининг) камида ўн фоизини ташкил этадиган «Жамият» иштирокчилари ўз мажбуриятларини қўпол бўзаётган ёхуд ўз ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан «Жамият»нинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки уни жиддий тарзда қийинлаштираётган иштирокчини «Жамият»дан суд тартибида чиқарилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

VII. «ЖАМИЯТ»НИНГ МУЛКИ.

7.1. Бадал сифатида киритилган мол-мулк «Жамият»нинг мулкчилигини ташкил этади.

7.2. «Жамият» мол-мулки қуйидалардан шаклланади:

- иштирокчилар киритган устав фондидан;
- уставда курсатилган товарларни (хизматларни) реализация қилишдан тушган маблаг ҳисобидан;
- қонунчиликка зид булмаган юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ва текин бадаллари ва бошқа хил тушимлар ҳисобидан.

VIII. «ЖАМИЯТ» БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ.

8.1. Иштирокчиларнинг умумий йигилиши «Жамият»нинг олий бошқариш органи ҳисобланади.

8.2. Умумий йигилишни олиб бориш учун раис ва котиб сайланади. Иштирокчилар йигилишининг баенномаси йигилишда катнашган барча иштирокчилар томонидан имзоланади.

8.3. «Жамият» ижро органи ва иштирокчилар умумий йигилиши томонидан бошқарилади.

8.4. Иштирокчилар умумий йигилиши зарур булган ҳолда, лекин ҳар йили камида 1 марта чакирилиши лозим.

Умумий ҳисобот йигилиши молиявий йил тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмасдан утказилиши лозим. Умумий ҳисобот йигилишида «Жамият»нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтернинг баланси, даромад ва харажатларнинг ҳисоб баланси, даромад ва харажатларни тақсимланиши куриб чиқилиши шарт.

«Жамият» иштирокчиларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари утказилган йигилишлари, навбатдан ташқари умумий йигилиши деб ҳисобланади.

8.5. Иштирокчилар умумий йигилишининг мутлақ ваколатлари:

- «Жамият» фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек тижорат ташкилотларининг бошқа бирлашмаларида иштирок этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- «Жамият» устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш;

- «Жамият» таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш;

- «Жамият»нинг ижро органини ташкил қилиш ва улар ваколатини муддатидан олдин тугатиш;

- «Жамият»нинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бухгалтерия балансини тасдиқлаш;

- «Жамият» соф фойдасини таъсисчилар уртасида узаро тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- «Жамият»нинг органларнинг иш фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлаш (қабул қилиш);

- тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш, битим ёки битимнинг предмети бўлган мол-мулкнинг қиймати бўйича ҳақ тўлаш суммаси «Жамият»нинг охириги ҳисобот давридаги бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида аниқланган мол-мулки қийматининг беш фоизидан ортиқ бўлган ҳолларда;

- қиймати «Жамият» мол-мулки қийматининг йигирма беш фоизидан ортиғини ташкил этадиган мол-мулкни олиш, тасарруфдан чиқариш ёки «Жамият» бевосита ёхуд билвосита тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган йирик битимларни тузиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

- «Жамият»да аудиторлик текширишларни утказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унинг максимал тулов чегарасини белгилаш;

- «Жамият»нинг филиалларини, вакилликларини ва бошқа юридик шахсларни ташкил этиш;

- «Жамият»ни қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;

- ҳамда «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

8.6. «Жамият»нинг умумий йигилиши зиммасига қуйилган масалаларни ҳал қилиш, ижро органлари зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

8.7. Иштирокчиларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши, «Жамият» директори ҳамда 10 % дан кам булмаган овозга эга булган улуш эгаларининг талаби билан утказилиши мумкин.

8.8. «Жамият» ижро органи яқка бошчилик асосида ҳаракат қилувчи Директор ҳисобланади.

Директор зиммасига, фақат умумий йигилиш зиммасидаги масалардан ташқари, ҳамма масалалари бўйича раҳбарлик қилиш юклатилган.

«Жамият» директори умумий йигилиш қарорларини бажаришни таъминлайди.

Директор «Жамият» номидан ишончномасиз ҳаракат қилади, шу жумладан «Жамият»нинг манфатларини ифодалайди, «Жамият» номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, ҳамма ходимлар бажариши шарт булган буйруқ ва курсатмалар беради.

8.9. «Жамият»нинг директор билан муносабатлар УзР қонунчилиги, мазкур устав ва у билан тузилган шартнома асосида тартибга солинади.

8.10. Директор ҳуқуқи ва мажбуриятлари УзР қонунчилиги, мазкур устав ва у билан «Жамият» уртасида тузилган шарномага асосан белгиланади. «Жамият» номидан шартномани иштирокчиларнинг умумий йигилиши раиси имзолайди.

8.11. Директор вазифасини бажариш, бошқа ташкилот бошқаруви органида ишлаш билан уриндошлик сифатида, фақат иштирокчиларнинг умумий йигилиши розилиги билан амалга оширилади.

Иштирокчиларнинг умумий йигилиши, директор томонидан шартнома талаблари бузилганда, шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.12. Директор «Жамият» олдига қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун уз ҳуқуқ ва вазифаларини виждонан амалга ошириши шарт. Директор қонунчилик ва «Жамият» уставига мувофиқ, унинг олдига жавобгар ҳисобланади.

8.13. «Жамият» фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, ҳамда бошқа тижорат ташкилотларини бирлашмаларида қатнашиш тугрисида қарор қабул қилиш масалалар буйича умумий иштирокчилар сонидан 2/3 овоздан кам булмаган тақдирда ҳал қилинади.

«Жамият» устав фонди миқдорини узгартириш ва «Жамият»ни қайта ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тугрисида қарор қабул қилиш, барча иштирокчиларнинг бир овоздан овоз бериш йўли билан ҳал қилинади.

8.14. «Жамият»га директор томонидан зарар етказилганда, жамият еки устав фондида иштирокчилар улушлари йигиндисининг 1/10 қисмидан кам булмаган улушга эга булган иштирокчи директорга нисбатан даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

IX. «ЖАМИЯТ»НИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ЙИЛЛИК ХИСОБОТЛАРИ.

9.1. «Жамият» УзР қонунчилигида белгиланган тартибда бухгалтерлик ҳисобини олиб бориши ва молиявий ҳисоботларни тақдим этиши шарт.

9.2. «Жамият» бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши, унинг ҳолати ва ҳаққонийлиги, йиллик ҳисоботни ва бошқа молиявий ҳисоботларни уз вақтида тегишли органларга, шунингдек «Жамият» фаолияти тугрисидаги маълумотларни иштирокчиларга, кредиторларга ва оммавий ахборот воситаларига уз вақтида тақдим қилиниши учун УзР қонунчилигига мувофиқ ижро органи жавобгар булади.

9.3. «Жамият» йиллик ҳисобот иштирокчиларнинг умумий йигилиши билан тасдиқланиши лозим.

X. «ЖАМИЯТ»НИНГ ДАРОМАДИНИ ТАКСИМЛАШ.

10.1. «Жамият» ҳужалиқ фаолиятдан тушган даромадлар керакли фондлар буйича бўлиб берилади.

10.2. Маълум бир давр учун дивидендлар тулаш, «Жамият»нинг шу даврда олган соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилади. Йиллик ва мавсумлараро олинadиган дивидендлар олиш санаси умумий йигилиш қарори билан белгиланади ва 60 кун мобайнида бажарилади.